



# ЖАМИЯТ

№ 42 (677)  
2019 йил  
1 ноябрь,  
Жума

Ижтимоий-сиёсий газета 2006 йил 31 августдан чоп этила бошлаган [www.bong.uz](http://www.bong.uz) @ jamiyatgzt@mail.ru

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуриш борасида амалга ошириладиган ислохотларни комплекс ўрганиш, таҳлил қилиш ва баҳолашнинг ахли ва мустақил тизимини шакллантириш, ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати механизмлари самардорлигини ошириш, уларни янада ривожлантиришга оид тақлифларни ишлаб чиқиш учун илмий-амалий майдон яратиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида:

1. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Таъсисчилар кенгашининг институти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази (кейинги ўринларда — Марказ) этиб қайта ташкил этиш ҳақидаги тақлифга розилик берилсин.

2. Маълумот учун қабул қилинсинки, куйдагилар Марказнинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари ҳисобланади:

халқ билан мулоқот ҳолати ва ривожланишини ўрганиш, давлат органлари фаолияти очиқлигини тизимли таҳлил қилиш; фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида илмий ва эксперт доиралар иштирокида фундаментал ва амалий тадқиқотлар ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш, уларнинг натижаларини умумлаштириш асосида ўрта ва узоқ истиқболда фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг миллий моделини янада такомиллаштириш ва стратегик йўналишларини белгилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишининг норматив-ҳуқуқий тартибга солиниш ҳолатини ва ушбу соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, жамоатчилик бошқарувида уларнинг иштирокини кенгайтириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича тақлифлар тайёрлаш;

ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назоратини амалга оширишни ўрганиш ва таҳлил қилишни ташкил этиш, давлат органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ҳамкорлиги, уларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чораларининг замонавий механизмларини жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари билан ҳамкорлик даражасини, шунингдек, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкиллаштириш, улар асосида

Ўзбекистонда фуқаролик жамияти ҳолати ва ривожланиш тенденциялари ҳақида даврий ва махсус илмий-таҳлилий маърузалар ҳамда бошқа материаллар тайёрлаш; демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларини, аҳолининг ижтимоий кайфиятига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва бошқа вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини, улар томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини ўрганиш ва тизимли таҳлил қилиш;

рақобатдош кўппартияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказилган тадбирларнинг самардорлигини ошириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш; фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш, шунингдек, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг муаммоларини тизимли ўрганиш;

фуқаролик жамиятини таъвишга солаётган долзарб масалалар бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва жамоатчилик эшитувларини ўтказишни ташкил этиш, уларнинг якунларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, шу асосида социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий вазифаларни ҳал этишда фуқаролик жамияти институтлари иштирокини кенгайтириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш;

фуқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақида жамоатчилик фикрини тизимли ўрганишни ташкил этиш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш, тегишли ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш; фуқаролик жамияти институтлари вакилларига тегишли профессионал кўникмаларини шакллантиришда ва ишбилармонлик малака даражасини оширишда кўмаклашиш;

давлат ва жамият ўртасида очиқ мулоқотни ташкил этиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, аҳоли билан қайта алоқа механизмларини йўлга қўйиш, фуқароларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишнинг оптимал ёндашувларини ишлаб чиқиш, халқаро ҳамкорликни ривожлантиришда фуқаролик жамияти институтларига кўмаклашиш борасида ривожланган демократик давлатлар тажрибасини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши фаолиятини ташкилий-услубий ва ахборот жиҳатдан таъминлаш.

Давоми 2-саҳифада ►►



## БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ



ҚИСҚА  
САТРЛАРДА  
ЎҚИҢ!

Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) Марказий Осиёдаги аҳоли энг зич жойлашган минтақада фаолиятини кенгайтириш мақсадида Андижонда ўз ваколатхонасини очмоқда.



# Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

## Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида

### ◀ Бошланиши 1-саҳифада

3. Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг бошқарув ходимлари умумий чекланган сони 115 нафардан иборат бўлган тузилмалари 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маъқуллансин.

Марказ директори, зарур ҳолларда, Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари тузилмаларига белгиланган умумий штат сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгаллиги маълумот учун қабул қилинсин.

#### 4. Белгилансинки:

Марказ нодавлат нотижорат ташкилоти шаклидаги юридик шахс ҳисобланади;

Марказ қайта ташкил этилаётган Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтининг ҳуқуқ, мажбуриятлари ва шартномалари, шу жумладан, халқаро шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Марказ директори лавозимига кўра Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши раҳбари ўринбосари ҳисобланади;

фуқаролик жамияти институтлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари мажбурий тартибда Марказ билан ҳам келишилади;

Марказ ўз вазифаларини бажариши учун шартнома асосида етакчи илмий, таълим ва таҳлилий, шу жумладан, хорижий муассасалар экспертларини жалб этиш ҳуқуқига эга;

давлат органлари раҳбарлари Марказга ҳар томонлама қўмақлашади, жумладан, Марказ ўз вазифаларини бажариши учун унга зарур шарт-шароитлар яратди, шунингдек, сўралган маълумотларни ўз вақтида тақдим этади, Марказ томонидан ўтказилган таҳлиллар яқунлари бўйича киритилган материаллар ва тавсияларни кўриб чиқади;

2019 йил 1 ноябрдан Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига кўра Марказ ходимларининг лавозим маошларини белгилашда тариф коэффициентлари икки баравар оширилган миқдорда қўлланилади.

Қайд этилсинки, ушбу банднинг саккизинчи хатбошида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан субсидия шаклида ажратиладиган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

5. Марказни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳисобидан таъминлаш тартиби сақлаб қолинсин.

Қуйидагилар Марказ фаолиятини молиялаштиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион

ривожланиш вазирлиги томонидан ўтказиладиган танловлар натижалари бўйича ажратиладиган грантлар;

халқаро молия ва бошқа институтлар, чет эл ташкилотлари грантлари;

жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомилийк хайриялари;

ҳўжалик фаолияти ва шартнома асосида кўрсатилган кизматлардан тушган тушумлар, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясига, шунингдек, Марказнинг таъсисчи – ташкилотларига ҳар йили унинг буюртмаларига биноан Марказ фаолиятининг асосий вазифа ва йўналишлари билан боғлиқ тадбирларни молиялаштириш учун зарур маблағларни назарда тутиш тавсия этилсин.

#### 6. Марказга:

фуқаролик жамиятини ривожлантириш масалалари бўйича семинарлар, илмий ва эксперт муҳокамаларини мунтазам ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси тингловчиларини ҳамда эксперт-таҳлил йўналишида кадрлар тайёрлайдиган олий ва бошқа таълим муассасалари талабалари (тингловчилари)ни иш ўрганувчи-тадқиқотчи сифатида жалб этган ҳолда илмий-ўқув лабораторияларини ташкил этиш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятини бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағлари ҳамда қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирган ҳолда 2020-2022 йилларда Марказ ходимларини фуқаролик жамиятини ривожлантиришга ихтисослашган етакчи хорижий тадқиқот ва таҳлилий институтларига иш ўрганиш учун юбориш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш тавсия этилсин.

#### 7. Белгилансинки:

а) фуқаролик жамияти ривожланиши бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижалари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Раёсати йўналишларида мунтазам муҳокама қилинади, яқунлари бўйича тегишли чоралар кўрилади; оммавий ахборот воситаларида, марказий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида ва ушбу Марказнинг веб-сайтида доимий ёритилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига фуқаролик жамияти ривожланиши бўйича Марказ томонидан ўтказилган ўрганишлар ва таҳлилларнинг натижаларини парламент ва унинг қў-

миталари (комиссиялар) мажлисларида кўриб чиқиш амалиётини жорий қилиш тавсия этилсин;

б) Марказ ҳар йили Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг ҳолати ва уни ривожлантириш тенденциялари тўғрисидаги маърузани Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашига кўриб чиқиш учун киритади, у эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Президенти ахборот беради.

8. Марказга уч ой муддатда фуқаролик жамияти ривожланишини, унинг институтларининг давлат органлари ва ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик даражасини, шунингдек, уларнинг мамлакатни социал-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан ривожлантиришга, шу жумладан, 2030 йилгача бўлган даврда БМТнинг Барқарор тараққиёт мақсадларини амалга ошириш доирасида қўшган ҳиссасини баҳолаш индикаторларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тавсия этилсин.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига:

а) Марказ ҳудудий бўлинмаларининг эгаллаб турган биноларидан беғараз фойдаланиш ҳуқуқи сақланиб қолишини таъминласин;

б) Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг қўшимча манбалари маблағлари ҳисобидан:

Марказ ҳудудий бўлинмалари ўз вазифа ва функцияларини самарали бажариши учун зарур моддий-техник шароитлар яратиш берсин;

Марказ ҳудудий бўлинмалари буюртма-номалари асосида бино ва хоналарни жорий таъмирлаш, уларни замонавий ортехника, меъбел ва зарур алоқа турлари билан жиҳозлаш бўйича ишларни ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Марказга хорижий тадқиқот муассасалари билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйишда, тажриба алмашиш ҳамда замонавий услуб ва ёндашувлар асосида фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганишни ташкил этиш ва таҳлил қилиш кўникмаларини такомиллаштириш учун уларнинг малакали мутахассисларини жалб этишда қўмақлашсин.

#### 11. Марказ:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 7 октябрдаги 336-сон қарори билан тасдиқланган Раҳбарлари ходимларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тўғрисида илтимоснома киритиши мумкин бўлган давлат ҳокимияти органлари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, республика аҳамиятига молик бошқа давлат ташкилотлари рўйхатига киритилсин;

б) қуйидаги мажбурий жўнатмалар респондентга киритилсин:

#### Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 30 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия, Иқтисодиёт ва sanoat, Бандлик ва меҳнат муносабатлари, Ички ишлар вазирликлари, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратураси, Олий суди, бошқа вазирликлар ва идораларнинг статистик маълумотлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази бюллетенлари ва кўник маълумотлари тўплами;

ижтимоий-иқтисодий соҳадаги хорижий матбуот шарҳлари ва илмий-тадқиқот институтларининг, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва sanoat вазирлиги ҳузуридаги Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институтини, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджет-солиқ тадқиқотлари институтининг таҳлилий маъруза маълумотномалари.

#### 12. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в.б. А.Ж.Халжаев ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К.Кўчимовга фуқаролик жамияти ривожланишини ўрганиш ва таҳлил қилиш натижалари оммавий ахборот воситаларида, марказий давлат телеканалларида, матбуот нашрларида доимий ёритилиши;

вазирликлар, идоралар, бошқа давлат органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари раҳбарларига Марказ ўз вазифаларини самарали амалга ошириши учун унга ҳар томонлама ва тўлиқ қўмақлаштириш юзасидан шахсан жавобгарлиги кўрсатиб ўтилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 мартдаги «Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтини фаолиятини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ – 2851-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Марказни мазкур қарорга мувофиқ белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказишни амалга оширсин.

15. Марказ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.С.Қосимов зиммасига юклансин.

Ш.МИРЗИЁЕВ



ҚИСКА  
САТРАЛДАРДА  
УҚИНИ

2020 йил 1 январдан бошлаб, сув тежовчи технологияларни қўллаганларга субсидиялар тақдим этилади.

Ҳамкорлик

# Инвестиция кодекси ишлаб чиқилади

Бугунги кунга қадар қулай инвестицион муҳитни шакллантириш мақсадида юртимизда иқтисодийни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

ички маҳсулот ҳажмини ошириш каби қатор вазифалар. Шунингдек, қонун ва қонуности ҳужжатларни унификация қилиш орқали янги Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳозирги куннинг долзарб вазифаси деб ҳисоблайди.

Шу мақсадда партия миллий қонунчилигимиз ва халқаро тажрибани инобатга олиб, маҳаллий тадбиркорлар, инвесторлар учун тушунарли бўлган ягона Инвестиция кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ғоясини илгари сурмоқда. Зеро, Инвестиция кодекси — Ўзбекистонда инвестиция жараёнини тизимли тартибга солувчи ягона, мукамал ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳужжат бўлиши лозим.

Кодексда қуйилганларни назарда тутиш тақдир этилади:

✓ Давлат инвестиция сиёсатининг муҳим устувор йўналишларини аниқ белгилаш;

✓ Қулай инвестицион муҳитни шакллантириш учун давлат ва маҳаллий бошқарув органларининг вазифалари ва мажбуриятларини аниқлаштириш;

✓ Инвестициялар, инвесторлар турлари ва шакллари аниқ белгилаш, инвестиция киритиш жараёнини ҳисобини юртинг тизимини хорижий қилиш;

✓ Инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришда ҳудудларнинг салоҳиятини, хом-ашё, меҳнат ресурсларини ҳисобга олган ҳолда тақсимлаш тамойилига қатъий риоя этиш;

✓ Инвестиция киритиш жараёнида инвесторларга ер участкалари, бўш бинолар ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаштириш билан боғлиқ масалаларни аниқлаштириш;

✓ Инвесторларга Ўзбекистонда яшаш ҳуқуқини бериш билан боғлиқ масалаларни акс эттириш;

✓ Маҳсул иқтисодий ва кичик саноат зоналари мақомини аниқ белгилаш;

✓ Валюта операцияларидаги устуворлик ва эркинликларни кўзда тутиш;

✓ Инвестиция киритилган учун имтиёзларни қўллаш қоидаларини аниқ белгилаш мақсада мувофиқ.

Тадбир давомида шу ва бошқа масалаларга ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, ишлаб чиқиладиган Инвестиция кодексига зарур тақдир ва тавсиялар берилди.

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,  
«Жамият» мухбири

# «Бир ўлкаки, гайратидан асаби чақнар...»

## ёхуд тупроғи олтин юртининг тадбиркорлари

Ҳаётда ҳар бир касб эгасининг ўрни ўзгача. Лекин яхши ниятдаги инсонлар қайси касбда бўлишдан қатъий назар, эл-юртга фойдаси тегишини истайди. Аслида кайфият учун бўлса-да, тўрт қатор шеър битмаган ёки ёзма-да, мириқиб кўшиқ тингламаган киши бўлмаса керак. Шоир шеър ёзади, бастакор мусиқа басталайди, ҳофиз кўшиқни маромига етказиб ижро қилади. Биз — бошқа касб эгалари эса улардан баҳра оламиз.



«Бир ўлкаки, тупроғида олтин туллайди...» дея бошланган кўшиқдаги сўзлар сўзларга, мисралар мисраларга улашиб кетаверади. Ҳофизнинг ширани овози сизни юртимиз тупроғининг ҳақиқатдан ҳам олтинга тенг эканлигига ишонтиради. Ҳофиз «Бир ўлкаки, гайратидан асаби чақнар» дея қуйлаганида эса юртимизнинг, одамларимизнинг қанчалик гайратли эканлигини, ўша гайратдан асабларнинг яшин мисол чақнаб, эзгуликка хизмат қилиши англанади.

Бу кўшиқни ҳар тал эшита-нимда шоир таърифлагандек, шундай гўзал ўлкада яшаётганимдан, оз бўлса-да, ана шу диёр одамларига анҳим тегаётганидан доимо хурсанд бўлам. Ёнимлагиларни ҳам шу юрт учун, ватандошларимиз фаровонлиги учун сидқидилдан меҳнат қилишга ундаймиз.

Яқинда Германия мамлакатига бир гуруҳ автотранспортчилар билан ўз қасбимиз бўйича малака ошириб қайтдик. Франфурт, Штутгард, Бавария каби дунёга машҳур шаҳарларда бўлдик. Уларнинг кўпгина мамлакатлардан анча илдамлаб кетган саноати, транспорт, тарихий-меъморий обидалари, маданияти билан янндан танишишга муяссар бўлдик. Германия ишлаб чиқаришини ўз юртимиздаги ишлар билан таққослашга ҳаракат қилдик.

Бу юртда янгича технологияларни ўрганиш билан бирга ишбилармонлар доирасида ҳамкорлик тўғрисида шартно-

малар ҳам имзоладик. Яқин орада бизнинг корхонамиз янги замонавий «Мерседес Бенц» русумли юк машиналарига эғалик қилади. Айни дамда Денов туманида етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини хориж давлатларига етказиб бериш билан шуғулланаётган корхонамизда 16 нафар малакали ҳайдовчи меҳнат қилмоқда. Янги автомобиллар келтирилгач, яна бир қанча иш ўринлари яратилади.

Бугун мамлакатимизнинг бир неча нуфузли саноат корхоналари ҳамда кўплаб фермерлар билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. «Узагротранс» бизга таъсисчи сифатида яқиндан ёрдам бермоқда. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари юкланаётган машиналаримизни асосан Россия ва Қозғистон мамлакатларига жўнатаяпмиз. Айни кунларда эса Россия ва Украина давлатлари ишбилармонларига узум ва пиёз етказиб бераёпмиз.

Германия ишбилармонлари билан эндигина бошланган ҳамкорлигимиз келгусида фаолиятимизнинг янада кенгайишига, иқтисодийтимизнинг барқарорлашишига, корхонамизда кўплаб янги иш ўринлари яратилишига замин яратилди, деб ўйлайман.

Эргаш АЛЛАНАЗАРОВ,  
Денов туманидаги  
«Лочин-Д»  
масъулияти чекланган  
жамияти раҳбари

Албатта, эришилган натижалар кўзга кўринарли даражада. Жорий йилнинг 6 ойида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 1,7 миллиард долларни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,5 мартага ошгани барчамизни қувонтиради. Лекин бу борада келажакда амалга оширишимиз лозим бўлган вазифалар ҳам жуда кўп. Жумладан, инвестиция билан боғлиқ жараёнларни тартибга солувчи қонунчиликни такомиллаштириш, инвестицион лойиҳалар ишлаб чиқиш, ер ажратиш ва бошқа шу каби муҳим масалаларни ҳал этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

ЎзЛиДеР Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси вакиллари ва партия фаоллари Инвестиция кодексининг мамлакат инвестициявий жозибдорлигини оширишда муҳим ўрин эгаллашни таъкидлашмоқда. ЎзЛиДеР фаолларининг айтишича, хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг энг муҳим асоси бу — инвестиция қонунчилиги билан боғлиқ. Таҳлилларга кўра, соҳани тартибга солиш бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция фаолияти тўғрисида», «Хорижий инвестициялар тўғрисида», «Хорижий инвесторлар қафолатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонунлар, шунингдек, 100 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлардан фойдаланилади.

— Партия сайловолди дастури лойиҳасининг Иқтисодийни ривожлантириш ва либераллаштириш йўналишида ҳам бу борада устувор вазифалар белгилаб олинди, — ЎзЛиДеР

Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудирини Нуриддин Муродов. — Хусусан, партия қулай ишбилармонлик ва инвестициявий муҳитни яратиш, хусусий мулк ҳуқуқ ва кафолатларини таъминлаш, тадбиркорлик ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни олиб ташлашнинг истиқболларига қаратилган аниқ вазифаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ЎзЛиДеР Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш бу — мамлакатнинг жадал ва барқарор ривожланиши, иқтисодий рақобатбардорлигининг энг муҳим ва зарур шарти эканлигига ишонади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга инвестиция киритиш жараёнида шунчалик кўп ҳужжатлар билан ишлаш, уларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқиш, инвестиция ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги мураккабликларнинг мавжудлиги инвесторларга маъқул келмаяпти. Шу билан бирга соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгарувчанлиги, қонунлардаги ҳаволаки нормаларнинг қўллиги инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, инвесторларнинг ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия инвестиция соҳасидаги муаммоларни баратараф этиш, қулай инвестицион муҳит яратиш боробарида ялли

нинг ишончли ҳимоялашини таъминлаш, тадбиркорлик ривожланиши йўлидаги барча тўсиқ ва чекловларни олиб ташлашнинг истиқболларига қаратилган аниқ вазифаларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир. Зеро, ЎзЛиДеР Ўзбекистоннинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш бу — мамлакатнинг жадал ва барқарор ривожланиши, иқтисодий рақобатбардорлигининг энг муҳим ва зарур шарти эканлигига ишонади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонга инвестиция киритиш жараёнида шунчалик кўп ҳужжатлар билан ишлаш, уларнинг ҳар бири билан алоҳида танишиб чиқиш, инвестиция ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги мураккабликларнинг мавжудлиги инвесторларга маъқул келмаяпти. Шу билан бирга соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзгарувчанлиги, қонунлардаги ҳаволаки нормаларнинг қўллиги инвестицион муҳитга салбий таъсир кўрсатиб, инвесторларнинг ишончсизлигига сабаб бўлмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия инвестиция соҳасидаги муаммоларни баратараф этиш, қулай инвестицион муҳит яратиш боробарида ялли

Валюта тушуми муддатларини кечиктирган экспортёрларга жарима бўйича имтиёзлар белгиланди.



# Мурожаатлар жавобсиз қолмайди!

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказига Сирдарё вилоятида яшовчи одам танаси идентификацияси бўйича Сабоҳат Мирвалиева ариза билан мурожаат қилган.**

Мурожаатда кўрсатилишича, унинг отаси марҳум Аҳмаджон Мирвалиев Польша давлатида содир бўлган ёнгин натижасида таниб бўлмас даражада ёниб кетган.

У жасадини Ўзбекистонга олиб келиб, дафн қилиш учун Польша давлатининг мутасадди идоралари ушбу инсон жасади айнан А.Мирвалиев эканлигини тасдиқлашни талаб қилган.

Тана идентификацияси учун турмуш ўртоғи Нурия Мирвалиева ва С.Мирвалиева-ларга нисбатан ДНК тадқиқотлари ўтказилган. Таҳлил натижалари Польша давлатида ўтказилган тадқиқот натижалари билан ҳам тасдиқланган. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида А.Мирвалиевнинг жасади Ўзбекистонга олиб келинди.

Юртимизда демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳамда адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш даврида мурожаатлар билан ишлаш, ушбу жараёнга оид қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш, уни такомиллаштириш — энг устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

Фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоят

явлари мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг жойларда қандай амалга оширилаётганини баҳоловчи мезонлардан биридир. Уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари юксак қадрият даражасига кўтарилиб, ҳар бир саъй-ҳаракат одамлар ўз ҳаётидан рози бўлиб яшашини таъминлашга қаратилган. Чунки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири бор.

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуни ҳамда унинг ижросини таъминлашга қаратилган Президентимизнинг фармон ва қарорлари ҳам ушбу мақсадни тўлақонли рўёбга чиқаришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли.

Табииyki, пировард натижада

«**Ваколат доирасига кирмайдиган масалалар кўтарилган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар, мутасадди ташкилотлар ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.**»

одамларнинг давлатга ва унинг органларига, қолаверса, келажакка ишончи янада ортиб боришига хизмат қилмоқда. Қонун ҳужжатларига кўра, барча фуқаролар, шу жумладан, фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органлари, корхона ва ташкилотлар ҳамда муассасаларга му-

рожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Ваколат доирасига кирмайдиган масалалар кўтарилган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органлар, мутасадди ташкилотлар ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига хабар қилинади.

Дарҳақиқат, ҳар бир мурожаат — ҳо



у ариза, хоҳ шикоят бўлсин, қайсидир маънода инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлади.

Шу боис кейинги йилларда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал қилишга масъул бўлган таркибий бўлинмалар ва ходимларнинг масъулиятини янада оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга ахборот-коммуникация технологиялари воситасида мурожаат қилиш ҳам ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси марказида ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ҳамда уларда кўтарилган масала-

ларни қонуний ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мурожаатларнинг рўйхатга олиш ва ҳисобини юритиш, шунингдек, ижросини мониторинг қилиш самардорлигини янада ошириш мақсадида, Марказда «AV IJRO» электрон ҳужжат айланиш тизими жорий қилинган.

Марказнинг расмий веб-сайти орқали ёки унинг расмий электрон почта манзилига келиб тушган мурожаатлар электрон мурожаатлар тарзида қайд этилади ва белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Ҳар бир мурожаат Марказга келиб тушган вақтдан бошлаб, дарҳол, электрон ҳужжат айланиш тизими орқали раҳбариятга чиқарилади ва масъул ижроичига етказиш, ижросини назорат қилишга йўналтирилади.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида жисмоний ва юридик шахслардан турли масалаларда 447 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 421 таси ариза ва 26 таси шикоят. Аризаларнинг 404 таси кўриб чиқилган. 11 таси тегишлилиги бўйича бошқа ташкилотларга юборилган. Қолган 6 таси ҳисобот даврининг охирига қолдиқ бўлиб ўтган. Мурожаат муаллифларига 277 та ҳолат бўйича тушунтиришлар берилган.

Хулоса ўрнида шуни таъкиллаш жоизки, Қонунга мувофиқ, ҳар бир шахс эндиликда Марказга мурожаат этганида ўз хоҳиш-истаги, эркин-иродасини ифода этиши, масаласи тезкор кўриб чиқиلىшини талаб қилиши, бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаши учун ҳуқуқий асос ва муқаррар замин яратилди.

**Улуғмурод ЭРНАЗАРОВ,**  
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ташкилий-назорат ва таҳлил бўлими бошлиғи

## Азалий ришталар

# МАДАНИЯТИМИЗ ҲАМ, МАЪНАВИЯТИМИЗ ҲАМ БИР

**Пойтахтимизда Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов асарларида маданият ва санъатнинг халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик алоқаларини мустаҳкамлашдаги аҳамиятининг ёритилишига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.**




Сўнгги йилларда Президентимизнинг Туркменистон Президенти билан олиб бораётган оқилона сиёсати натижасида қардош ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги мустаҳкам ишолнчга асосланган ҳамкорликлар изчил ривожланиб бормоқда.

Тадбирда Туркменистон Президенти

ти Гурбангули Бердимухамедовнинг «Маданият — халқнинг бебаҳо жавоҳири», «Туркман маданияти», «Гинчлик мусикаси, дўстлик ва биродарлик мусикаси», «Бахши — халқ бахтининг даракчиси» китоблари ҳақида сўз борди.

Туркменистон Президентининг туркман, инглиз ва рус тилларида нашр қилинган «Маданият — халқнинг бебаҳо жавоҳири» китоби билан танишиш жараёнида бу халқнинг миллий маданиятини янада ривожлантириш борасида улкан миқёсдаги ишлар амалга оширилганига



гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Сир эмаски, туркман ва ўзбек халқларининг маданияти ва санъати асрлар давомида уйғун ривожланиб, бир-бирини тўлдириб, ўзаро чамбарчас бонганиб кетган. «Гўрўели», «Авазхон», «Ошиқ Фароб ва Шоҳсанам», «Хондалли» каби достонлар ҳар бир ўзбек ва туркман учун бирдай қадрли.

Туркман халқи илдизи қадим замонларга бориб тақаладиган ўзининг мил-

лий мусиқа санъатида ҳамма даврларда алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиб келган. Халқ орасида етишиб чиққан бахши ва созандалар томонидан юксак маҳорат билан ижро этилган куй ва кўшиқларда оддий инсонларнинг қувонч ва қайгулари, орзу-умидлари, қалбидаги нозик кечинма ва ҳиссиётлари ўзининг ёрқин ифодасини топган.

Тадбирда шунингдек, юқорида номлари зикр этилган асарларнинг барчаси ҳақида илиқ фикрлар билдирилди.

Мамлакатимиздаги таниқли маданият ва санъат намояндалари, ёзувчи-шоирлар, профессор-ўқитувчилар, Туркменистоннинг Ўзбекистондаги элчиюнаси вакиллари ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этган тадбир сўнггида ўзбек ва туркман миллий кўшиқларидан ижро этилган намуналар йиғилганлар кайфиятига янада кўтаринкилик бахш этди.

**Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
«Жамият» мухбири



2020 йил 1 январдан бошлаб, оилавий тадбиркорлик бўйича лойиҳалар ваколатли банклар орқали кредитланади.

# «Модомики, биз янги даврга оёқ кўйдик...»

**Буюк миллатпарвар Абдулла Қодирийнинг бу сўзлари айни бугунги кунимиз учун айтилгандек. Чунки юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ва кенг қамрови, одамларнинг бугунги кундан мамнулиги, шаҳару қишлоқларимизнинг бир-биридан қолишмай ривожланиб бораётгани ҳақида фикр юритадиган ҳар киши шундай кунларга етказганига шукрлар айтиши, шубҳасиз.**

Бугун фаолияти давомда ўз биносига эга бўлмаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси учун Миллий боғнинг қоқ марказида муаззам иншоотнинг барпо этилгани биз ижодкорларни қанчалар қувонтирганини яшира олмаслигимиз аниқ. Уюшма фаолиятини янада такомиллаштириш билан боғлиқ тарихий қарор ушбу ижодий ташкилот фаолиятига чин маънода қанот бағишлади.

Наманганда Исҳоқхон Ибрагимов, Жиззахда Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Фарғонада Эркин Воҳидов, Қаршида Абдулла Орипов, Нукусда Иброҳим Юсупов, Андижонда Муҳаммад Юсуф, Сирларёда Ҳалима Худойбердиева, Тошкентда Абдулла Қодирий ижод мактаблари очилиб, уларда истеъодли ёшларимизнинг таҳсил олаётгани ижодкорларнинг янги, салоҳиятли авлодини тарбиялаш борасида тенгсиз қадам бўлганини айтмайсизми?! Оммавий ахборот воситалари бугун чин маънода эркинлашди. Ҳамлу сано ўрнини таҳлилий-танқидий чиқишлар эгаллаётгани ҳам бунинг исботидир. Оммавий ахборот воситалари ва бадиий ижод эса халққа яна бир қадар яқинлашди, эл ҳаётининг ойнасига айлиб бормоқда.

*«Кимки бир кўнгли бузғунинг хотирин шод айлағай,  
Онча борким, Кабба вайрон ўлса обод айлағай».*

Кейинги пайтларда ҳазрат Навоийнинг бу ҳикмати ақлимни ҳам, кўнглимни ҳам бутунлай банд этди. Кўнгли бузғу ким? — Ҳаётда иши юришмай қийналган, бири икки бўлмай, егани қайғу, ичгани алам бўлган киши. Яна ким? — Яратганинг иродаси билан ногиронлик аравасига микланган ёхул ота-онасидан бевақт айрилиб, машаққатлар гирдобидан кун кечирингга мажбур бўлган... Яна ким? — Ҳам чекканда дилдош, қувонганда сирдош бўладиган яқинларидан жудо бўлиб, ёлғизлик азобига маҳкум одам. Бедаво дардга мубтало бўлиб, ич-эттини еб, кундан-кун орқага кетаётган киши. Ана шундай кўнгли бузғунинг хотирини шод айламак демакки, бугун мусулмон одамнинг қибласи, иймон аҳдининг сажадгоҳи бўлган Каъбатуллоҳнинг вайрон бўлган деворини обод айламак билан баробар! Бу ҳазилакам гап эмас — инсонпарварликнинг энг юксак чўққиси!

Эҳтимол, дунёдаги барча шоир у адиблар асарларини ўқиб чиқмагандирман.

Лекин мана шундай қисқа сатрларда бу даражадаги теран ва таъсирчан, самимий ва ҳаётий қиёсنى бошқа бирор мутафаккир асарига учратганмисиз? Мени энг қувонтиргани бугунги кунда ана шу ҳикматлар китоблар саҳифаларидан одамлар ҳаётига кўча бошлагани ва бу эзгу ишлар бошида Юртбошининг ўзи турганидир.

Барчамиз гувоҳимиз: бугунги кунда аҳолининг кам таъминланган қатламни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Қанчалан-қанча моддий имконияти чеklangан одамлар уйли-жойли бўлди. «Обод маҳалла» Дастури орқали одамларнинг айни кўнглидаги ишлар амалга ошмоқда. Натижада қишлоқ ва шаҳар ўртасидаги тафовут тобора камайиб бораётган. Маҳаллаларгина эмас, эл кўнгли ҳам обод бўлмоқда. Одамларнинг дилдошу тилида бир гап: «Бўлар экан-ку!» Бу эътирофлар замирида Президентимиз тез-тез такрорлаётган ва исботини амалда топаётган халқни рози қилиш истаги турибди.

Аваллари имтиёзли кредит деганларини пиёда туғул олтиқ ҳам олиши маҳол эди. Бугун-чи, ҳеч бир замонда кўрилмаган ишлар бўляпти. Банк ходимлари уйма-уй юриб, кредит таклиф қиляпти. Қозонни сувга ботириб, рўзгорини зўра тебратиб юрган айрим қўшнилари имтиёзли кредит олиб, тadbиркорлик билан шуғуллана бошлади. Айни кезде рўзгори обод, дастурхони тўкин, машинали ҳам бўлишти. Неча-неча ногирон, кам таъминланган, кўнгли синиқ одамларга мурувват кўрсатилиб, Президент совғаси сифатида уй-жойлар берилди.

Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, «бузғу кўнглининг ободлиги бундан ортиқ бўлиши мумкинми?»

Навқирон авлодга, айниқса, жамият ҳаётида муносиб из қолдиришга интилаётган, интеллектуал даражаси билан ёшларга алоҳида эътибор қаратилаётгани таҳсинга лойиқ. Турли соҳаларда катта ютуқларга эришаётган ёшлар учун имтиёзли ипотека кредитлари асосида уйлар ажратилаётгани улар кўнглида Ватанга дахлдорлик туйғусини янада кучайтирмоқда. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қошидаги илмий-техшириш институтларида, олий таълим муассасаларида илмий изланиш олиб бораётган эллик нафар ёш олимга Сирғали туманининг Чоштепа массивидан Президент совғаси сифатида янги уйлар қилини тоширилгани илм-фанимиз келажига кўрсатилган юксак эътибор намунаси.

Ўзбек халқининг асл табиатига хос кеңиримлилик, бағрикенглик, ғам-ғусали кўнглиларга қувонч нурларини бағишлашдек, савобли ишларга кўллаб мисоллар келтириш мумкин. Ана шундай эътирофга лойиқ ишлардан яна бири жорий йилги Рамазон ҳайити арафасида амалга оширилди. Президентимиз муборак Рамазон ҳайити муносабати билан 226 нафар маҳбусни афв этиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. Оғир айблар билан қамалган ватандошларимиз амнистия эмас, афв этилди. Одатда бундай қарорлар мустақиллик байрами, Конституция қабул қилинган кун сингари сиёсий байрамлар арафасида қабул қилинарди. Бу сафар Рамазон ҳайити муносабати билан. Бу нимадан дарак беради? Демак, Ўзбекистонда чин маънода янги давр бошланди. Давлат ва халқ орасида сақланиб келган девор тобора барҳам топмоқда.

Абдугани СУЛАЙМОН

## Меҳнат қилган эъзозда

**Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш, бу орқали ҳудудларда ишлаб чиқариш муассасаларини ташкил этиш ва аҳоли учун янги иш ўрниларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракат кун сайин ошиб бормоқда. Бунинг натижасида Фарғона вилоятида ҳам йилдан-йилга тadbиркорлар сони кўпайиб, қўшма корхоналар ташкил этилиб, чет давлатлардан инвестициялар олиб келинмоқда. Буни Кўқон шахри мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.**

Кўқон шахрида бугунги кунда оилавий тadbиркор Феруза Ҳомидова раҳбарлигида фаолият кўрсатиб келаётган «Miss Feruz TEX» оилавий корхонасида ҳам айни пайтда аёллар ва болалар учун кийим кечаклар ишлаб чиқарилиб, сифатли маҳсулотлар ички бозор ва буюртмачиларга етказиб берилаётган. Ҳозирда, бу ерда хотин-қизлар учун 20 га яқин иш ўрнилари яратилган. Аёллар тикув, бичув, моделлаштириш, дазмол босиш, либос тахлов бўлимларида астойдил меҳнат қилишапти. Уларга бу ерда яхши маош, тушлик, ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариш учун қулай шароит яратилган. Асосийси корхона ишчилари уй манзилларидан узоқ бўлмаган ҳудудда ишлаб, оиласи ва жамият



фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиб келаётгани қувонарли. Эътиборлиси, маҳсулотлар сифатли, табиий ипакдан тайёрланиб, одамлар учун узоқ йиллар хизмат қилиши билан ажралиб туради. Шу сабабли ҳам маҳсулотларга буюртмалар, талаб ва эҳтиёж кундан-кунга ошиб бормоқда.

Кўқондаги яна бир — «Сим-Сим» оилавий корхонаси томонидан ҳам қўл меҳнати ёрдамида миллий заргарлик маҳсулотлари, бежирим тақинчоқлар ясаш йўлга қўйилган. Айни дамда 30 нафардан зиёд аёллар меҳнат қилаётган мазкур корхонада қадимий ва замонавий нақшлар уйғунлаштирилиб, кўзни қувонтирадиган миллий тақинчоқлар — тиллақош, биллагузук, узук, зирак, келинчақлар учун махсус зебигардонлар моҳир хунарманд аёллар томонидан юксак дил ва маҳорат билан тайёрлаб келинмоқда. Маҳсулотларнинг нафис шакллари кўзга ташланади, жилваси дилни қувнатади. Ҳозирда бу бежирим тақинчоқлар нафақат юртимиз аҳолиси, балки чет эллик меҳмонлар эътиборини ҳам ўзига жалб этаётгани эътирофга лойиқдир.

— Келгусида бу каби миллий заргарлик тақинчоқларимизнинг янги кўринишларини яратишни, фаолиятимизни кенгайтиришни ҳамда аёлларимиз учун иш ўрнилари кўпайтиришни режалаштирганмиз, — дейди корхона раҳбари Юлдузхон Маматқулова.

Азлдан ўзбек онахонлари, мунис опа-сингилларимиз ўзларининг пазандлиги, ширин таомлари, пишириқла-

Тараққиёт

ри билан оила аҳли, фарзандларини қувонтириб келган. Шунингдек, ўз меҳнатлари билан ширинликлар тайёрлаб эл дастурхонига тортиқ этишган.

Шаҳардаги «Ўзбегим шоҳона тортлари» корхонаси томонидан турли кўринишдаги ширинликлар, пишириқлар, мазаги тортлар тайёрлаш йўлга қўйилган. Кўқонлик тadbиркор Офтобхон Камолова томонидан ташкил этилган мазкур корхонада 20 нафарга яқин хотин-қиз меҳнат қилади. Мазаси оғиздан кетмайдиган тортлар тайёрлаб халқимиз дастурхонига тортиқ этиб келинаётган. Аёллар, айниқса, оила остонасида турган лобар қизлар бу ерда меҳнат қилиш баробарида, моддий томонидан рағбатлантирилиб етарли маош билан таъминланган. Шунингдек, улар учун келажакда асқотадиган хунар ўрганиб, пазандалик маҳоратини ошириш имкони ҳам бор.

Дарҳақиқат, меҳнат қилган инсон элда эъзоз топар дейдилар. Бунинг ҳаётининг ўзи исботлаб турибди. Тadbиркор фермерлар, хунармандлар фаолияти Президентимиз томонидан қўллаб-қувватланаётгани қалбда фахр ва гурур туйғуларини уйғотади. Банклардан алоҳида имтиёзли кредитларнинг ажратилиши, солиқдаги имтиёзлар, маҳсулотларнинг экспорт салоҳиятини яхшилаш борасида амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар соҳани янада ривожлантириш, кенгайтиришга, аҳолининг турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Рустам МАМАЖОНОВ,  
«Жамият» муҳбири



Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш концепцияси тасдиқланди.



## Янги одамлар келишяпти

Буни биргина биз сезганимиз йўқ, бошқача янги авлод воёга етиб келмоқда. «Кейинги пайтларда болам менга ўлимга қандай муносабатда бўлишни ўргатяпти, ҳолбуки мен унга ўргатишим керак, — дейди биров. — Бу масалаларда у барқарор ишончга эга, мен эса шунча йил яшаб, ҳали бундай ишончга эга бўлганим йўқ». Яна кимдир боласи ҳақда айтади: «Унинг фикри содда ва равшан — у ҳамма ўлганларнинг ортага қайтиб келишига ишонади. У бобосига таскин беради — ҳечқисси йўқ, ҳозир қариган бўлсангиз, кейин яна янги, ёш бўласиз. Ўлган итимишнинг қабрига қараб, йиғласам, мени хотиржам қилади — у қайтади, чириydi, жимирлайди, майса бўлиб кўкаради, янгиланади, дейди». «Ўғлим жуда ёмон гаплашади. Болаганим. Аммо баъзан шундай туюладики, у мени ва mening ҳис-туйғуларимни очик-равшан кўриб турадигандай, — дейди учинчи бир одам. — Яна шундай туюладики, у биздан кўра кўпроқ нарсани англайди ва бу дунёга нега келганини, ўз вазифасини билади». Яна бир одам ҳайратланади: «Тоҳида бу гўдак менга тушунарсиз бўлган нарсаларни гапирди, билмадим, у буларни қайдан олган экан? Болалар богчасида унга зўрга чидашади: у бақиряшларига жавобан ҳайратланиб қарши ва: «Ўзи нима учун бақиряпсиз?» — деб сўраши мумкин. Турган гапки, тарбиячи довлдираб қолади ва янада баттар қичқиради. Буни бола тушуна олмайди».

Ўқитувчилар ҳам галати болалар пайдо бўлганини таъкиллашмоқда. Оқил, ўзига ишонадиган, мавжуд ақидалар ва қондаларни тан олмайдиган болалар. Андозаларга мос келмайдиган, бошқариб бўлмайдиган болалар.

Бу болалар гўё уларни ушлаб турган занжирларни узганга ўхшайди. Катталарнинг фикри билан ҳисоблашмайди, катталарнинг обрў-иззатига, меъёрларига парво қилмайди, шунчаки дарс ўртасида сўрамасдан ташқари чикчи кетаверишлари мумкин. Ўқитувчининг кўзига тик қараб, нотўғри ўқитаётганлигини ҳам айтиб кетаверадилар. Улар жуда кўп.

Муаммоли болалар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Уларни тўғри йўлга солиш учун ҳам ўқитувчилар, тарбиячилар, шифокорлар, психологлар бор. «Муаммоли» болаларни синчковлик билан текшириши. Ҳайратли ҳодиса маълум бўлди: бу болаларнинг заковат даражасини текшириш натижалари ҳаммиша юқори бўлиб чиқди, ҳолбуки уларнинг аксарияти мактабда зўрга «уч» баҳога ўқишарди. Шундай қилиб, маълум бўлдики, бу болалар ақли, ривожланган, аммо оладий хулқ-атвор кўникмаларига риоя қилишни истамайдилар — энди уларни нима қилиш керак?

«Янги» болаларни улар қизиқадиган ишдан ажратиб бўлмайди, қийинчиликлар уларни тўхтата олмайди, аксинча, улар бундан баттар ишга берилишади. Улар жуда тиришқоқ ҳамда, то қизиқиларини қондирмагунча ёки олдига қўйилган вазифасини бажармагунча, тинмай ўзи мўлжаллаган йўналишда ишлайверади. Ассий нарса маълум бўлди. Уларнинг номутаносиб хулқ-атвори касалликнинг натижаси эмас, уларга бўлган муносабатдан оринганликлари

туфайлидир. Болаларнинг исёни катталарнинг қутқулаши туфайлидир. Болалар эса ўзларининг ўзликларини сақлаш, ўз биланларича қолиш учун курашадилар, холос.

## Ёнингиздаги ёш инсонга диққат қилинг!

Ўғлингиз, қизингиз, жиянингиз ёки набирангизнинг олдига келинг. Унинг кўзларига қаранг. Агар унинг кўзларида донишманднинг хотиржам нигоҳини пайқасангиз ва у гўё сизни очик турган китобни ўқигандай ўқий бошласа — қаршингизда янги замон боласи туриб-

ҳақидаги хотиралари ҳаммиша уйғоқдир. Улар бизга маълум бўлмаган, биз кўникмаётган ҲАҚИҚАТдан хабардордирлар. Улар одамлар ўйлаб топган ўйин қондаларини эмас, реал дунёнинг ҳаққоний манзараларини яхши биладилар. Улар одамларга эволюция погоналаридан юқорига юксалишда ёрдам беришни истайдилар (ва ёрдам бериш кўлларида келадилар!).

Айнан болалар бизга (инсониятга) муҳаббат оламага қайтишда ёрдам беришади. Моҳиятан, уларнинг бош вазифаси — бизга хатоларимизни кўрсатиш ва ўзгартишимизда, ўзимизга ва атрофдаги оламага бошқача, янги қарашда кўмаклашишдир.

## БУГУННИНГ БОЛАЛАРИ



бу. Бугунги замон бизнинг болагимиз ўтган замон эмас, бу — янги, шиддатли аср, янги технологиялар асри, ахборот асри, рақамли технологиялар асри. Унинг болалари ҳам шу замонга мос бўлади, акс ҳолда яшаб қололмайди.

Бугунги бола бу оламага ўзининг бошқалигини англаган ҳолда келади (ва кўпинча ўзини шунга муносиб тарзда тутди). Бола сезадики, «бу дунёда бўлишга ҳаққи бор», бошқалар унинг бу фикрига қўшилмаганликларини кўрса, жуда ҳайратланади. Бу болакай учун мутлақ обрў-иззатлилар йўқ, у ўз хатти-ҳаракатларини тушунтириб беришни истамайди ва ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам танлаш эркини тан олади. Гўдак ўзининг аҳамиятга молик эканига шубҳа қилмайди ва кўпинча ота-онасига «кимнинг кимлиги»ни билдириб туради. Болакай айрим нарсаларни умуман бажармайди (масалан, у навбат кутиб туришга тоқат қилолмайди). Бундай болалар қатъий қондалар устувор бўлган, ижодкорликка йўл бермайдиган консерватив тизимларга дуч келганда, ўзларини йўқотиб қўядилар. Болакай мактабда ёки уйда нимадир ишни бажаришнинг янада оқилона усулларини топа олади, аммо атрофдагилар унинг бу хатти-ҳаракатини «қондабузарлик» ва амалдаги тизимга итоат қилмаслик, деб баҳолашади. Болакай бошқа тоифадагилар, бегоналар орасида одамови бўлиб туюлади. Интизомни бузганлиги ҳақидаги айбловларга у жавоб бермайди. Бирор нарсга эҳтиёж сезса, муҳтожлигини айтишдан тортинмайди.

«Янги мингиллик болалари» — улар гайриодатий руҳий имкониятларга эгадир. «Ёрулик болалари» — ёш қаҳрамонларимизнинг дунёқарашлари одатдаги қарашлардан фарқ қилади. «Қобилиятли болалар» — ҳар қандай синов уларнинг заковат даражаси ўртачадан юқори эканини кўрсатади (мактабдаги баҳолар билан адаштираманг!).

Бугунги болаларнинг бошқа олам — БАТАМОН МУҲАББАТ ва СЕВИНЧдан иборат бўлган руҳий олам

Болалар учун биз — очик турган китобимиз. Ҳеч қачон болани алдашга уринманг, у билан самимий муносабатда бўлинг. Масалан, агар жаҳонинг чиқиб турган бўлса, даргазаб бўлсангиз, шунга айтиб қўя қолинг: «Мен дам олишим, ўзимга келишим керак, кейин сен билан бирга ўйнаймиз». Сизнинг иккиюзламачилигингизни, ёлгонингизни бола тушунади ва кейин сиз билан росттўғи бўлиш-бўлмасликни ўзи ҳал қилади.

Бугунги болаларнинг аксариятида ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига нисбатан қандайдир самимий ва чуқур муносабат мавжуд. Бу ҳайратланарли болалар ҳақида яна кўп нарсаларни ҳоҳлаб қилиб бериш мумкин, бироқ, келинглр, ўзимизга бир неча савол бериб кўрайлик. Нега бундай доно болалар билан муаммолар чиқади? Нима учун улар бизнинг талабларимизга бўйсунушга қаршилиқ қилишади? Нима сабабдан уларнинг айримлари одамови бўлиб қолишади? Нима учун улар, жуда истеъодли бўлишларига қарамастан, ўзларига исён қилишга имкон берадилар?

Фалокат битта нарсада: биз уларни кўҳна йўлдан олиб бормоқчимиз, улар эса — янгилик уруғларидир. Биз шу пайтгача мавжуд хулқ-атворимиз стереотиплари, шу дунёқарашимиз ва тафаккуримиз билан на курраи Заминда, на қалбимизда осойишталик, гармония ўрнатолмадик. Агар биз болаларни ҳам, бизни қандай тарбия қилишган бўлса, шундоқ воёга етказсак, уларга ҳам бизга болалагимиздан сингдиришган хато ва камчиликларни сингдираимиз.

## Уларнинг қалбини эъзозланг!

Бола — тўлақонли шахс. Уни ўз ҳоҳиш-иродангизга бўйсундиришга интиманг, одатдагидай: «Мен каттаман, шунинг учун меннинг гапимга киришинг керак» деманг. Уни мажбурламанг, ўзи тажриба орттиришига кўмаклашинг. Гўдакка танлаш имконини қолдинг. Унга ҚАНДАЙ ўйлашни ўргатинг, аммо НИМАНИ ўйлаш кераклигини ўргатманг. Бугуннинг болаларини алдаш ва уларга куч билан «тўғри фикр»ни сингдириш имконсиздир. Аммо улар билан вазиятни ёки хатти-ҳаракатни муҳокама қилиш орқали келишиб олиш осон. Тенг мулоқот олиб боринг. Айни пайтда ўз хат-

ти-ҳаракати, ўз танлаган йўли учун ЎЗИ жавобгар эканини бола англаб олсин. Болалар синчков бўладилар ва заиф жойларингиздан фойдаланган ҳолда, сизни бошқаришга уринадилар. Улар ҳаммиша келишувларнинг чегараларини текшириб туришга уринадилар, шунинг учун сиз уларнинг келишувга риоя қилишларига эришинг. Бола сабаб бўлган вазият ёки хатти-ҳаракатни уни камситмасдан муҳокама қилинг. Болага у қилган нотўғри ҳаракатни англашга имкон беринг.

## Ишонинг!

Дунёга келган барча болалар — муаллимлардир. Бола бўлганимизда, ҳаммамиз ҳам «доно» бўлганмиз. Аммо, катта бўлган сари қандайдир қимматли нарсани йўқотиб қўямиз: шу жойда ва худди шу пайт ҳозир бўлишни, ҳаёт эканимиз учун болаларга қувонишни, ўз ички овозимизни тинглашни, ўзимизни севишни, бутун оламини севишни ёддан чиқарамиз...

Боланинг салоҳиятига ишонинг ва у бунга ишонинг. Ҳамма болалар ҳалол бўладилар. Болага ёлгон сўзламанг, акс ҳолда унга ҳам жавоб тариқасида ёлгон гапириш ҳуқуқини берган бўласиз (одатда бу унинг сукут сақлашига ёки «ўз ичига беркиниб олиш»га олиб келади). Бола ўзига олган мажбуриятларни қандай бажараётганлигини текшириб турунг. Бола ҳам сизга нисбатан худди шундай қилиш ҳуқуқига эгадир. Болага ўзини айбдор деб билиш ёки бошқаларни айблаш имконини берманг. Хато ҳам — бир эгалланган тажрибадир, ўйлаб кўриш ва ниманидир яхшилаш учун сабабдир. Бола маслаҳат сўраса, уни эшитинг ва масалани ҳал қилишда кўмаклашинг. Бир неча йўлларни кўрсатинг: «Агар бундай қилсанг, нима бўлади...», «Мен сенинг ўринида бўлганимда...», «Болалик пайтимида менда



ҳам шундай бўлган... ва мен ўшанда...». Ўзингизнинг қарорингизни мажбурлаб тикиштирманг, болани йўналтиринг. Бу ҳаракатчан болаларга зерикиб қолиш имконини берманг. Ижодий озиксиз уларнинг ақли очликка дучор бўлади. Улар билан имкон қадар кўпроқ гаплашинг, ўйланг. Меҳрибон ва шафиқ бўлинг. Бола ҳаммиша хавфсиз эканини ҳамда орқасида сизнинг салоҳиятингиз, кўмагингиз ва иштирокингиз турганини сезиб турсин. Боланинг хатти-ҳаракати яхши ёки ёмон бўлиши мумкин. Аммо бола — ҳаммиша азиз ва муҳтарамдир.

Бугуннинг болаларини воёга етказишинг энг оддий йўли — уларни ўз қарчичимизда тарбиялашлик, аксинча, ниҳолни ўтиргандай ўстириш, МЕҲР-МУҲАББАТ суви билан сугориш, билим ва тажрибалар озиғи билан озиклантириш лозим. У бизга ўзини, нозик вужудини ва доно ақлини, бокира қалбини ишониб топширди. Бу хазинани эҳтиёт қилинг!

Карим БАҲРИЕВ



Илмий фаолият юритувчилар учун 48 кунлик меҳнат таътили берилади.

ҲАФСАЛА БИЛАН ЕР ЧОПАЁТГАН ДЕҲҚОН МАРРА-ГА ЕТГАЧ, ПЕШОНА ТЕРИНИ СЕКИН СИДИРИБ, ЧО-ПИЛГАН ЕРИНИНГ САЛМОҒИНИ АНИҚЛАШ УЧУН БИР-РОВ ОРТИГА НАЗАР СОЛАДИ. ЭСОН-ОМОН БАҲОРГА ЧИҚИБ ОЛГАН ЧОРВАДОР ҲАМ ҚАҲРАТОН ҚИШНИНГ ҚАҲРИДАН ҚУТИЛГАН ҚЎТОНУ ҚЎРАЛАРИНИ СИНЧ-КОВ КЎЗДАН КЕЧИРИБ, ҚОРАМОЛУ УШОҚ МОЛЛАРИ ҲИСОБИНИ АНИҚЛАБ ОЛАДИ.

## «Тилбузар»ларга чора кўриш вақти келмадими?

Шукрки, биз ҳам мамлакатимизда, турмушимизнинг барча соҳаларида чуқур ва кенг қамровли ислоҳотлар бошланганининг учинчи йилини сарҳисоб қилиш арафасидамыз. Биз — зиёлилар ҳам, чиндан-да, ҳар йили октябрь ойи келиши билан Ватанимиз мустақиллиги сари ташланган дадил қаддам бўлган Давлат тили ҳақидаги қонун қабул қилинган сана олдиндан бу борада амалга оширилган, ҳали қилганимиз зарур бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳақида фикр билдирамыз, босиб ўтган йўлимизнинг залворли натижалари ҳақида баҳс-мунозара юрита-мыз.

Бу йил ушбу тарихий сана мамла-катимизда тантанавор нишонланди. Президентимиз ташаббуси билан энди ҳар йили 21 октябрь тил байрами сифа-тида нишонланадиган бўлди.

Дарҳақиқат, бу вақт кекса тарих ол-дида қисқа бир мuddат бўлса-да, асли-да айтишгагина осон. Ўттиз йил олдин туғилган болалар ўн яшар болали ота-она бўлишди. 1989 йилнинг январидан октябргаича бутун республика аҳли қонун лойиҳаси тўғрисида фикр-мулоҳа-за, муносабат билдиришга интиланган эди. Бундай ҳаяжонли, эҳтиросли, куч-ли тўққинчи муносабат билдириш он-лари шу билан якунланиб қолгани йўқ. Халқимизнинг ўз давлат тилига, қабул қилинган янги ёзувга бефарқ эмасли-гини бундан икки йил олдин бошланган лотин ёзуви асосидаги янги алифбомиз тақдирига доир баҳслар, жорий йил май-июнь ойларида рус тилини расмий тил сифатида тан олиш таклифини кўтариб чиққан бир гуруҳ "зиёли"лар баҳона бўлиб ўтган қаттиқ баҳс-муноза-ралар ҳам кўрсатди.

Босиб ўтилган йўлга эътибор қара-тадиган бўлсак, Она тилимизга нисба-тан қўллаб келинган қарийб бир ярим асрлик таҳрир таъинлар, ижтимо-ий-ҳуқуқий чекловлар қонун қабул қи-лингандан кейин тугатилди. Тилимиз тор — оила, бозор, тўй-ҳашам, маҳаллий тил доирасидан, кенг — давлат миқёси-да қўлланиладиган тилга айланди. Шунингдек, миллатлараро, давлатлараро муомала тили, ҳужжатлар тили доира-сига кўтарилди.

Қонун туғайли саксон мингдан ор-тиқ сўз ва ибораларни қамраб олган беш жилдли «Ўзбек тилининг изоҳли луғати», саксон беш мингдан ортиқ мус-тақил сўз шакллари ва ўчига олган кирилл алифбосидаги «Ўзбек тили имло луғати»нинг нашр этилиши мустақил-лик даври маданиятимизнинг катта ютуғи бўлди, десак муволафа бўлмас. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти универ-

ситетининг ташкил этилиши ҳам катта воқеа бўлди. Лотин ёзуви асо-ланган янги алифбонинг қабул қилини-ши ўзбек тилининг чет мамлакатларда ўрганилишини янада оsonлаштирди. Америка Қўшма Штатларининг яқин-да тайинланган элчиси Даниел Розен-блум жанобларининг Ўзбекистонга ке-лиши олдиндан интернет ва телевидение орқали ўзбек тилида ирод қилган эркин ва мазмундор нутқи кўпчилигимизни ҳаяжонлантирди. Ўзбекистон телека-наллари орқали бериб борилаётган бо-шқа давлатлар фуқаролари, олимлари, тадбиркорларининг ўзбек тилидаги чиқишлари таҳсинга сазовор бўлди.

### ЮТУҚЛАРИМИЗ КЎП, АММО...

Уларни кўз-кўз қилиб, бу борада мавжуд муаммоларни, йўл қўйиб ке-линаётган камчилик ва нуқсонларни хасиётулаш билан муваффақиятлари-миз кўпайиб қолмайди. «Давлат тили ҳақида»ги қонунимиз атиги 24 модда-дан иборат. Аммо шу 24 тагина моддани ўттиз йилдан буён ҳаётга тўлиқ татбиқ эта олмай келаётганимиз кишини ўк-синтиради.

Сўзимизнинг исботи сифатида қо-нуннинг еттинчи моддасига мурожаат қиламыз. Унда: «Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек ада-бий тилининг амалдаги илмий қондалари ва нормаларига риоя этилади», дей-илган. Расмий амал қиладиган доира эса боғча, мактаб, лицей, коллеж, олий таълим муассасалари, давлат ва нода-влат ташкилотлари, хусусий корхона ва муассасалар, оммавий ахборот воси-талари, театр, музей, ҳокимият, суд, прокуратура, вазирликлар, Қуролли Кучлардан тортиб, Парламентгача бўл-ган улкан тизимни ташкил этади. Бугун бу доира қамровида ҳам риоя этилмаёт-ганини ким билмайди?!

Бу айримлар ўйлаганидек, арзимас муаммо эмас. Унинг ечимини топиш мумкинми? Бунинг учун нима қилиш керак, деган саволлар фақат мутахас-сислар, филолог-олимлару ўқитувчи-ларнинг олдида қўндалган бўлиб тур-гани йўқ. Ўзбек адабий тилини чуқурроқ ўрганишни, энг аввало, оиладан бош-лаш керак, боланинг тили чиқаётган пайдан бошлаб, унга ўзбек адабий ти-лида гапиришни ўргатиш зарур. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, умуман, катта-ларнинг болалар олдида ўзбек адабий тилида чиройли, мазмунли гапириши уларга кучли ва ижобий таъсир этади. Шунингдек, ўзбек адабий тилида ра-вон, ёқимли, таъсирчан гапира олиш кўп жиҳатдан телевидение, радиода

хизмат қилаётган моҳир журналист-лар, мухбирлар, ҳақиқий санъаткор-лар, суҳандонларнинг ўз вазифасига меҳр-муҳаббат, тилсеварлик, элпарвар-лик, ватанпарварлик масъулияти билан ёндашиши ва бу борадаги беминнат, фидокорона хизматига ҳам боғлиқ.

Ҳамма кўрсатувларни шевада олиб бориб, дастурлар номларини ажнабий тилларда кўяверсак, адабий тилимиз-нинг ҳоли не кечади?! Ким бунга жавоб беради? Бу кетишда бундан қарийб олти юз йил бурун бутун умрини ярим Оси-ёда тарқалган туркий қавмларни гўзал адабий тил қамровига бирлаштиришга бағишлаган ғазал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳазратларининг бетак-рор асарларини кейинчалик Хоразм, Тошкент ва бошқа шеваларда ўқишга мажбур бўлмаимизми?!

Афсуски, бугунги кунда «ZO'R TV», «MY 5», «Миллий» сингари бир қатор нодавлат телеканалларда фаолият юри-таётган журналист, мухбир, телебо-шловчи ва бошқаларнинг ўзлари ўзбек адабий тилига риоя қилмаётгани, яна ҳам тўғрироғи, ўзбек адабий тилини за-рур даражада билмаслиги ошқор бўлиб қолмоқда. Айниқса, дастурга таклиф этилган айрим таниқли шои-ру ёзувчи, хо-нанда, актёр ва актрисалар, спортчилар, турли соҳа ва-киллари адабий тил меъёрла-рига мулақо риоя қилмайди.

Улар ўз шева-ларида сўзлаши билан адабий тилимизни бил-маслиги, нопи-санд қарashi, ўзини бошқа-лардан устун тутиши сезилиб туради. Бу эса телетомошабинларнинг, айниқ-са, ёш авлоднинг ўзбек адабий тилини унинг шеваларидан фарқламаслигига, ўзлари яхши кўрган машҳур шахслар-га кўр-қўрона тақлид қилишига олиб келмоқда. Наҳотки, телебошловчилар, уларнинг ҳурматли суҳбатдошлари ўз-бек адабий тили меъёрлари ҳақида оз-гина бўлса-да, тасаввурга эга бўлмаса, улар ҳам шу юртда туғилиб ўсмаган, шу юрт мактабларида, олий таълим муас-сасаларида таълим олмаган бўлса, маъ-лумот, таълим ва тарбияни қайсидир маҳаллий шевада олган бўлса, афсус...

Телевидение, радио ва бошқа омма-вий ахборот воситалари таҳририятла-рида фаолият юритаётган журналист-лар, мухбири бошловчиларнинг она тилини чуқур билишига алоҳида эъти-бор қаратиш ҳамда уларнинг масъули-ятини янада ошириш лозим. Улар тай-ёрлаётган материалларда шевачиликка йўл қўйилмаслиги, шевага хос сўзлар-нинг очиқ-ошқора тарғиб этилишини тақиқлаш керак. Шундай қилинмаса, телевидение шеваларни кўз-кўз қилиш майдони бўлиб қолаверди ва адабий тилимиз ўрнини шевалар аралашмаси-дан иборат тушунарсиз тил эгаллаб оли-ши мумкин.

### ҚАТЪИЙ ТАЛАБ ҚЎЙИШ КЕРАК!

Наشريёт-магбаа корхоналарида янги алифбода нашр этилаётган ба-дий, илмий, илмий-оммабоп асар-ларнинг имловий, ишоравий, услубий хатоларсиз нашр этилишини таъмин-ловчи масъуллар тайинланиши, ком-пьютер дастурлари яратилиши лозим.

Таълим тизимида фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчилар, илмий ходимлар, талабаларнинг ўзбек адабий тилининг грамматик, талаффуз ва имло қонун-қондаларига риоя этишини қатъий талаб қилиш ва «тилбузар»лар-га нисбатан таъсир чораларини қўллаш зарур.

Олий таълим муассасаларини бити-риб чиқаётган бўлғуси педагогларнинг янги давлат аттестацияси синовла-рида, мактабгача таълим муассасала-ри мураббийлари, бошланғич таълим ўқитувчиларини ишга олаётганда ҳам уларнинг озғак ва ёзма саводхонли-гига алоҳида эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, олий таълим муассаса-ларига ишга қолдириш ёки ишга қа-бул қилишда ҳам педагогларнинг янги алифбо ва имлода саводхонлигини, ўз-бек адабий тилини қай даражада били-шини ҳисобга олиш зарур.

Барча муассасалар, ташкилот ва кор-хоналарда расмий иш қоғозлари юри-тишда уларнинг янги алифбо ва имло-да тайёрланишини талаб қилиш керак. Ҳозир эса, аксинча, янги алифбода ёзилган ҳужжатлар қабул қилинмасдан, кириллчда тайёрлаб келиш талаб этил-



моқда. Бу эса янги алифбода савод чиқарган ёшларнинг дадил иш бошла-шига тўсик бўляпти. Олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчила-рининг дарс бериш маҳорати ўрганил-ганда, аттестациядан ўтказишда улар-нинг ўзбек адабий тилида тўғри, равон, мантиқли, жозибдор, таъсирчан нутқ сўзлай олишини ҳам ҳисобга олиш ке-рак. Керак бўлса, ёш ўқитувчилар учун «Ўқитувчининг нутқ маданияти» фани-дан машғулот ёки маслаҳатлар ташкил этиш лозим. Президентимиз таъби-ри билан айтганда, китоб ўқиган одам-нинг маданияти, маънавияти, онги, фикрлаши ўзгаради, кўп китоб ўқиш ўзбек адабий тилини чуқур ўрганиш ва билиш учун асос бўлади. Урта умумтаъ-лим мактаби, лицей, касб-ҳунар колле-жи, техникум, олий таълим муассаса-лари ўқувчи ва талабаларининг бадий асарлар мутолаасини янада кенгайти-риш, китобхонлик борасидаги ташаб-бусини қўллаб-қувватлаш, улар орасида янги-янги танловлар ўтказиш, голиб-ларни моддий ва маънавий рағбатлан-тиришни мунтазам давом эттириш ҳам ўзбек адабий тили ривожига муносиб ҳисса бўлади.

Ўзбек адабий тилини раvнақ топти-риш учун барчамиз дахлдормиз. Зеро, Онамиз, она Ватанимиз, Она тилимиз олдида ўз фарзандлик бурчимизни, масъулиятимизни чуқур ҳис қилсак ва амалда шунга мос ишларни бажарсак, катта юксалишлар бўлиши шубҳасиз.

**Мардон БОЛТАЕВ,**  
Самарқанд давлат университети  
илмий котиби, доцент,  
Дилмурод ДЎСТМУРОДОВ,  
журналист



«Пахтакор» ҳамда «АГМК» клублари ўртасидаги Ўзбекистон кубоги учун кечган мurosасиз баҳс 3:0 ҳисобида «шерлар»нинг ғалабаси билан якунланди. Бу тошкентликлар клубининг тарихдаги 12-кубоги бўлди.

# Туяқуш парваришига қизиқиш ортмоқда

**Айрим тарихий манбаларнинг маълумот беришича, 1860 йиллар атрофида Жанубий Африкада туяқушлардан тижорат сифатида фойдалана бошланган. 1869 йилга келиб туяқуш тухумлари учун биринчи инкубатор яратилган ва бу фойда келтирувчи соҳага айланган.**

Орадан салкам бир аср ўтиб, Жанубий Африкада туяқуш гўшти ва бошқа маҳсулотларини қайта ишловчи цех ташкил этилади. Натижада туяқуш гўштигина эмас, пати ва терисини ҳам қайта ишлаш йўлга қўйилади... Бугун бу соҳага юртимизда ҳам кенг имкониятлар яратилди.

Самарқанд вилоятининг Пастдаргом тумани мамлакатимизда пахта, галла, шила ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда алоҳида ўринга эга. Туманда кейинги йилларда саноат ишлаб чиқариш кескин ривожланмоқда, бунёдкорлик, ободонлаштириш жабҳаларида жиддий ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Аҳоли турмуш фаровонлиги яхшиланиб бормоқда. Туяқуш фермаларининг кун сайин ривожланиб бораётгани эса янги соҳага мослашувчанликнинг яққол намунаси.

— Айни пайтда балиқчилик, асаларичилик, паррандачилик, қуёнчилик сингари муҳим жабҳалар ҳам ривожланиш йўлига ўтди, — дейди туман ҳокимининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Хусан Бўриев. — Бугунги кунда туманимиз ҳудудида ноёб жонивор ҳисобланган туяқуш боқишининг йўлга қўйилгани янада қувонарли. Хориждан, мамлакатимизнинг турли вилоятларидан бу ноёб қушларни катта маблағ ҳисобига келтираётган фермерларимиз, ишбилармонларимиз уларни парваришлас, даромад олиш йўллари ҳам тезла ўзлаштиришмоқда. Масалан, ҳозирги кунда «Машъал страус» масъуляти чекланган жамияти ва «Фирдавс Фаррух» фермер хўжалигида бу соҳа анчагина кўзга кўриниб қолди.

— 2018 йилда Фарғонадан 300 бош 5-10 кунлик туяқуш болаларини олиб келгандик, — дейди тумандаги «Машъал страус» масъуляти чекланган жамияти раиси Бекзод Элмуродов. — Уларнинг орасида 5-10 та 4-5 ойликлари ҳам бор эди. Очиғи, бу соҳани йўлга қўйишнинг ўзи бўлмади. Уларнинг парваришини ўрганиш учун қанчалаб адабиётларни, манбаларни қидиришга тўғри келди. Ҳозир эса боқувимиздаги бу жониворларни гўштга топши-

ришни бошлаб юборганмиз, тухумини ҳам сотувга чиқардик. Туяқушларимизни тирик ҳолда сотиб олувчи харидорлар ҳам кўпайди.

Ноёб турдаги бу қушларни парваришлас жараёнида уларнинг бир қатор хусусиятлари, афзалликлари ҳақидаги маълумотлар билан ҳам танишиб бораёямиз:

Ургочи туяқушлар табиий шароитларда 4 ёшлигидан тухум қўя бошлайди. Махсус фермер хўжаликларида кўпайтирилган туяқушлар эса 2 ёшдан бошлаб тухум қўйиб, жўжа очишади. Ургочи туяқушлар етилиш даври 2 ва 3 ёш оралиғига тўғри келади. Эрак туяқушлар эса улардан 1 ёшга ортада қолишади. Туяқушлар йилига 2 марта тухум қўйишади. Одатда тухум қўйиш жараёни 2 ойгача давом этади. Биринчи даврда улар 10 тадан 30 тагача тухум қўяди. Лекин вақт ўтгани сайин бу натижа ошиб боради.

— Мутахассислар туяқушларни чиқитиш технологияга қиёслашади. Бу ҳақда нима дея оласиз? Сўраймиз Бекзод Элмуродовдан. — Бу жуда тўғри гап. Чунки туяқушнинг ҳеч бир аъзоси чиқитишга чиқмайди. Масалан, киприкларидан аёллар учун улама киприклар тайёрланади. Патлари совуқни ҳам, иссиқни ҳам ўтказмагани боис улардан қишқи уст-бошлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Туяқуш мойи тиббиётда дори-дармон сифатида қўлланилади. Тухумининг пўчоғи эса табиий калций ҳисобланади. Бундан ташқари, ундан ҳар хил сувенерлар ишлаб чиқаришда фойдаланилади. Тирноқлари эса олмосга ишлов беришда ишлатилади.

— Айримлар учун бу жониворларни томоша қилишнинг ҳам ўзгача завқи бўлса керак?

— Туяқушларни томоша қилишга келаётганлар кўпчилик. Аҳамиятлиси, улар орасида хорижлик сайёҳлар ҳам учраб туради. Демак, реклама ишларини кучайтиришимиз керак. Кейин «Туяқуш» номи билан бирор бир тамадихона очилиши ҳам режалаштириямиз.

— Туяқуш гўшти дунё озиқ-овқат бозорида холестерини кам, парҳезбоп маҳсулот сифатида қадрланади, — дейди тумандаги «Фирдавс Фаррух» фермер хўжалиги раиси Фирдавс Хайдаров. — Унинг гўшти жуда мазали ҳамда фойдали. Туяқуш фермалари кўпайиши билан унинг тухумларига бўлган қизиқиш ҳам ортиб бормоқда. Инсон организми учун туяқуш тухумлари товۇқ тухумларига нисбатан фойдалироқ бўлиши аниқланган. Уларнинг бир донасида бутун оила учун таом тайёрлаш мумкин. Лекин туяқуш тухумларини истеъмол қилишнинг салбий томонлари ҳам мавжуд. Масалан, парранда тухумларига аллергияси бўлган кишига кучли бўлгани учун туяқуш тухумини тавсия этиб бўлмайди.

Ҳозир бу хўжаликда 9 бош туяқуш парвариш қилинаётган экан. Улар турли рангда эканлиги билан «Машъал страус» дагилардан фарқ қилади. Жониворларнинг 3 таси эрак, 6 таси ургочи. Туяқушларнинг тухум қўйиши бошлаганига 6 ой бўлибди. Фермернинг таъкидлашича, соҳани янада ривожлантириш учун чорва озуқаси экиладиган майдонларни кўпайтириш зарур. Бу муаммони эса маҳаллий шароитда ҳал этиш мумкин.

Туяқуш тухуми анчагина қимматлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Унинг бир донаси 60 минг



сўмгача сотилар экан. Насллик тухум нархи эса 600 минг сўмгача баҳоланади. Бу омиллар ҳисобга олинган ҳолда фермер хўжалигида яқинда инкубатор қурилибди. Энди фермерлар унинг иқтисодий фойдасини ҳам кўра бошлайди.

Фермерларга мадад бераётган туман ҳокими Шунқор Худойбердиев эса бундай ишларни қўллаб-қувватлашининггина эмас, балки рағбатлантириш тарафдори бўлаётгани янада қувонарлидир.

Абдурашул САТТОРОВ

## Буни ҳаёт дейдилар

нига кўзи тушди. Онани машинага миндириб, яна уялмасдан, ҳазил қилиб кетди. Ўғлини ширакайф кўриб, онанинг дили оғриди, жуда ҳафа бўлди. Йўл-йўлакай отасини кўргани ўт-маса-я.

Шундоғам лаб-лунжини йиғиштиролмайд келаётган Собир: «ойи дадамга қандай овқат қилиб бордингиз?!» деди-ю, ойнада кўздан ёш думалаётган онасини кўриб, тилини тийди. Она эса шунгаям хурсанд. Бироз бўлса-да, ўғли билан бирга бўлганидан тақдирдан миннатдор.

— Ўғлим, қизиқсан, овқат қилишга ҳеч улгурмаяпман. Бир оёғим касалхонада бўлиб қолди. Даданг тушмагур «қелиб, шу ердан овқат еб кет. Бу ерни овқати мазали ва етарли экан. Менга кўплик қиялпти» деб қақирганди. Шунга келувдим...

Гулҳаё ҲУСАНОВА

**Б-ХАВО**

1-ноябрь	+21°C	+11°C
2-ноябрь	+20°C	+10°C
3-ноябрь	+22°C	+8°C
4-ноябрь	+10°C	+3°C
5-ноябрь	+11°C	+3°C
6-ноябрь	+9°C	+1°C
7-ноябрь	+11°C	+1°C

ob-havo.uz сайтидан олинган.

## ЖАМИЯТ

**Муассислар:**

Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази.  
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси.  
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.  
Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.  
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.  
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди.  
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
Ўзбекистон экологик ҳаракати.  
Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси.  
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали.

## Бош муҳаррир Максуд ЖОНИХОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**  
Рустам Қосимов  
Рустам Қосимов  
Борий Алихонов  
Акмал Саидов  
Шавкат Жавлонов

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.  
«Шарқ» нашриёт-маتبъа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Манзил: Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-1114 Адади: 1403.  
Жума кун чиқади.  
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нархда.  
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.  
**ISSN 2010-7722**

**Навбатчи:** Нуриддин Убайдуллаев

**Дизайнер:** Бегали Ҳонкулов  
100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта: jamiyat@mail.uz  
Газета индекси — 131  
«ЖАМИЯТ»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.  
ЎЗА ақуни:  
Топширилган вақти: 18:35  
1 2 4 5 6


**Собир уйлангандан сўнг оила ва рўзғор ишларига бефарқ бўлиб, қолди. Эрталаб хотини билан ишга шошганча кетиб, шу билан алламаҳал кириб келади. Уйда қолган кекса ота-онаси билан иши ҳам бўлмай қолган. Бечора Карима ая нонуштага нима ейишни билмасдан, уйда борини дастурхонга, эрининг олдига тўқди. Бу бир-икки бурда қотган нон эди. Шунда ҳам ўғлидан нолишмасди чол-кампир. Барибир нимадир камда туюлаверди...**

Бу шубҳасиз, меҳр эди. Чунки онаизорнинг қанчалан-қанча орзу ҳаваси бор эди. Биттаю битта ўғлини кўп кутар, келини қўлидан охириги марта қачон иссиқ чой ичганини эслолмасди. Собирнинг эса ҳеч нарса билан иши йўқ. Хотини қачон уйга келади, ота-онасига қараш-ю, уйни супур-сидир қилиши уни қизиқтирмай қўйганди. Ўзи билан ўзи овора.

Кунларнинг бирида Собирнинг ота-

## Бефарқлик нони

си бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолди. Шунда ҳам на Собир, на хотини боришга вақт топди. Бормаслик учун турли баҳоналар ахтараверди. Онаизор эрининг соғайишини сўраб Яратганга илтижо қиларди, холос. Алламаҳалда Собир хотини билан қайсибир базмдан қайтаётди, йўл ёқасида онаси кетаётган-



Эндиликда онкологик беморларга ёрдам кўрсатиш бўйича call-марказлар ташкил этилади.